



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 19 апрель, №84 (3196)

Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

2003 йилнинг 14-16 апрель кунлари Вашингтонда АҚШ—Ўзбекистон қўшма Кенгаши доирасида Хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Америка сиёсий маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ва икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация имзолашнинг бир йиллиги муносабати билан ўтказилди. 2002 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон—Америка саммити икки томонлама муносабатлар ривожидан бурлиш ясади ва уларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди.

Америка томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг АҚШ Президенти Ж. Бушга йўлдан шахсий мактуби топширилди.

Ташриф давомида АҚШ вице-президенти Р. Чейни, миллий хавфсизлик масалалари бўйича АҚШ Президенти маслаҳатчиси К. Райс, Давлат котиби К. Пауэлл, муҳофаа вазири Д. Рамсфелд, савдо вазири Д. Эванс, АҚШ Эскимбанк президенти Ф. Мерил ва АҚШ маъмуриятининг юқори мартабали бошқа вакиллари билан музокаралар бўлиб ўтди. Шу билан бирга Жаҳон банки ва Халқаро валюта қарғармаси раҳ-

барлари билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон томонидан музокараларда Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиев, муҳофаа вазири Қ.Фуломов, ташқи ишлар вазири С.Сафоев иштирок этидилар.

Ишчанлик ва амалий руҳда ўтган музокаралар икки ва кўп томонлама муносабатлар бўйича ҳамда халқаро ҳаётнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича мавқеларимизнинг муштарак ва умумийлигини намоён этди. Музокаралар давомида Афғонистондаги ижобий жараёнларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мамлакатни қайта тиклаш ҳамда Ироқни урушдан сўнг янгилашга оид масалаларга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон—АҚШ муносабатларининг сиёсий, молиявий-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳаларига оид ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Ташриф якуни бўйича

Қўшма Баёнот қабул қилиниб, унда Ўзбекистон ва АҚШ минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, трансмиллий хавфлар ва хуружларга қарши кураш масалаларида яқиндан ўзаро ҳамкорликни давом эттиришларини қатъият билан таъкидлашди.

АҚШ Ўзбекистон ҳукумати сиёсий ислохотларни ва демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан қониқатганини изҳор этиб, уларни бундан буён ҳам кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, иқтисодиёт ва сармоявий фаолият соҳаларидаги демократик янгилашларнинг устувор йўналишлари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёр эканини қайд этди.

Умуман, томонларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳайъатининг АҚШга ташрифи стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияни келгусида ҳам амалга ошириш, икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича узоқ муддатли ва кенг қамровли ҳамкорликни давом эттиришда икки мамлакат интилишини намоён этди.

“Жаҳон” АА.



Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бири саналади. Айни пайтда бу жамиятнинг қўли гул чеварлари тикаётган эркаклар ва аёллар спорт кийимлари харидорларга манзур бўлмоқда. Қарийб 20 йилдан бери мазкур корхонада меҳнат қилиб келатган Юлдуз Иноятова эндиликда ўз касб сирларини ёшларга ҳам ўргатаётти.

СУРАТДА: (чапда) Юлдуз Иноятова шогирди Сайёра ХОЛМАТОВА билан иш устида. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

2003 йил 21-23 апрель кунлари Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН - РУМИНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Руминия Европанинڭ жанубий-шарқида жойлашган давлатдир. Ушбу мамлакатга бир марта келган киши унинг тарихий, маданий, меъморий ёдгорликлари, афсонавий қалъа ва саройлари, бой табиий манзараларини яна бир бор кўргиси келади. Руминия худудини гўзал ва мафтункор Альп тоғ тизмалари ғарбий Европадан Осиёга кесиб ўтган. Мамлакатнинг Буштень, Азуга, Мамай, Мангалия, Говора каби машҳур дам олиш масканлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари сайёҳларини ўзига жалб этади.

Руминия ўзининг бекиёс ва бой тарихий, маданий мероси билан ҳақиқий равишда фахрланади. Бундан, хусусан, фракийлар, кельтларнинг санъат ёдгорликлари, Қора денгиз бўйидаги Каллатия, Томи ҳозирги Констанца каби қўна шахарлар, тоғлардаги Руини дакийлар қалъаси ва бошқалар далолат беради.

Руминиянинг Ион Азирибигану, Дмитрий Кантемир, Виктор Бабеш каби фан ва маданият арбоблари номилари умуминсоний маданияти ривожига тарихий сезиларли из қолдириди. Бугунги кунда Руминия суверен республикадир. Давлат раҳбари президент бўлиб, у умумий овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади.

Руминиянинг ҳозирги Президенти Ион Илиеску ушбу лавозимга даставвал 1990 йилнинг май ойида сайланган эди. 1996 йилнинг ноябрь ойида у Социал-демократик партия вакили сифатида мамлакат парламенти сенатори этиб сайланди. 2000 йил декабрда эса яна Руминия Президенти лавозимини эгаллади.

Руминия 1991 йилнинг 20 декабрда биринчилар қаторида республикамиз мустақиллигини тан олди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йил 6 октябрда ўрнатилган.

Ўзбекистон Президенти

Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг 4-6 июнь ойида Руминияга амалга оширган ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу ташриф давомида Ўзбекистон ва Руминия ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик бора-бора қатор шартномалар имзоланди.

Мамлакатимиз билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Руминия ташқи сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар икки давлатнинг ТРАСЕ-КА дастури доирасида яқиндан ҳамкорлик қилишга қаратилган сайёҳаракатлари икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидандир.

Сўнги йилларда давлатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик жадвал ривожланиб бормоқда, хусусан, турли даражадаги делегациялар алмашинуви тобора кенаятмоқда.

1994 йилнинг февралда Ўзбекистон Республикаси ва Руминия ўртасида “Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим” имзоланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенаш тузилиди ва унинг биринчи мажлиси 2002 йилнинг 24-26 апрелида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## Ижро учун ким масъул?

Кеча Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва табиқорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб, Олий Мажлисининг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқдилар. Шу билан бирга, улар XI сессия кун тартибига кўмита томонидан иккинчи ўқишда киритилган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган тақдир, мулоҳаза ҳамда фикрларини ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганиб чиқилгани ва сессия муҳокама-мақсатли қарор қабул қилиниши таъкидлашди.

Кўмита йиғилишида Фаргона вилоятида “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мазлум бўлишича, вилоятда мазкур қонуннинг матни ва мазмунини бевосита ижрочиларга етказиш бўйича семинарлар ташкил этилган. Маҳаллий газеталарда бозорларда монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожланти-

риш масалалари юзасидан мақолалар босилган. Аммо 2001-2002 йилларда ўтказилган тегишли рақобат натижасида 22 та хўжалик субъектининг ўз усту мавқеини суниётмоқ қилиш ҳолатлари қайд этилган. Қонуннинг 6-моддаси ижросини назорат қилиш, яъни хўжалик юритуви субъект рақобатини чеклайдиган битимлар 2001 йилда умуман қайд этилмаган. Улар бўйича бошқарма томонидан ёзма кўрсатма берилганига қарамастан, 2002 йилда 10 та ҳолатда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган.

Ушбу йил давомида Қонуннинг 7-моддаси ижроси бўйича туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар таҳлил қилинганда, уларнинг айримларида қонунга риоя этилмаган ҳолатлар аниқланди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва келгусида қайтармаслик ҳақида туман ва шаҳар ҳокимликларига кўрсатма берилди ва жавоб хати олинган. Бироқ...

Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-

вожлантириш ҳудудий бошқармаси назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши билан келишилган ҳолда текширишлар режасига асосан қонун талаблари бажарилиши юзасидан 2001 йилда 128 та ташкилотдан 24 тасида ёки 19 фоизда турли хилдаги хатolikларга йўл қўйилганини аниқланган. 2002 йил мавбодинда 77 та хўжалик юритуви субъектида текширув ва таҳлил ишлари олиб борилган. Аммо уларнинг аксариятида турли хилдаги қонун талабларига риоя этилмаган.

Модомики, ахвол шундай экан, айни қонун ижроси учун ким масъул? Қўмита йиғилишида ана шу савол кўндаланг қўйилди. Ва, амалдаги ҳар бир қонун, энг аввало, ўзини-ўзи кераклигини, унга риоя қилинади, бизга мустаҳкам таъин бўлиши алоҳида таъкидланди.

Йиғилишида депутатлар мазкур қўмита раисининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ва шу даврга амалга оширилган ишлари ҳақидаги ахборотини тингладилар. Мажлиса қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ф. ЧОРИЕВ,  
Ўз мухбиримиз.

## ОМБУДСМАН ҲИСОБ БЕРДИ

18 апрель Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсон конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2002 йилдаги иш ҳуқуқлари бўйича парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова-нинг маърузаси тингланди. Нотиқ ўз сўзида миллий қонунчилик ҳамда унинг амалиётини тақомиллаштириш, демократик институтларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорлик қилиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш чуқурлаштириш борасида қилинган ишларни алоҳида таъкидлади.

Йиғилишида таъкидланганидек, Комиссия томонидан жойларда мониторинг ўтказиш йўлга қўйилган. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси тўғрисида шундай таъкид қўйилган.

Мазлум бўлишича, вилоятда фуқароларнинг таълим олиши оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, бу жараёнда қатнашадиган ижтимоий тўғривларни янада ривожлантириш, аҳолини таълим ва тарбиянинг барча шакллари билан қамраб олиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

## АНДИЖОН. (ЎзА мухбири Сайд Шукроров)

Андижон вилояти меҳнатқашлари республикада биринчи бўлиб мамлакатимизнинг асосий бойлиги — пахта екишини яқунлади. 104 минг гектардан ортқ майдонга пахта екилди. Ҳуза учун ажратилган даладорларнинг барчаси “андижонча” усул бўйича планка остига олинди.

## МЎ ҲОСИЛНИНГ ЗАМИНИ БУГУН ЯРАТИЛАДИ

Янги ҳосил учун ғўзанинг “С-6524”, “С-2609”, “Армузон”, “Оқдара-6” каби сигнал қон навлари танланди. Уруғ қадашда зарур ўғитлар қўлланилди, экин мавсумини бошлаш муддати эса ҳар бир ҳудуднинг ғўрғодий ва иклими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. 70 минг 500 гектардан ортқ майдонда илк екиндар унинг чинди.

Андижон вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлис дала ишлари таҳлиliga ба-нишланди.

Унда таъкидланганидек, ноқулай об-ҳаво шароити тажрибали лахтакорларини шошириб қўймади. Захни ва намликни бартараф этиш мақсадида култивация амалга оширилмоқда. Ушбу тадбир ўртача 20 фоизга ба-жарилади. Мавсумнинг ўтган йилги пешқадамлари бўлмиш олтинқўлликлар тупроққа ишлов беришни ақулай деб қолган бўлсалар, шимоллий туманларда эса бу ишга энди бел бо-гилди.

Вилоятда бошоқди дон экинларининг келгуси ҳосили ҳам диққат-марказда. Бу йил кузги бўғай 74,1 минг гектар майдонни эгаллайди. “Крошкка”, “Овсянка”, “Дей” каби навлар билан бир қаторда Андижон селекционерлари яратган эртапийшар “Чиллаки” нави ҳам етиштирилди. Бошқа истиқболли навлар ҳам ишла-тилди.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков сўзга чиқди.

Мажлиса Андижон вилояти ҳокими К.Обидов иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Эгилган бошни қилич кесмас

...Тун ярмидан оққанида Учқўрғон шаҳридаги хонадонларнинг бирида телефон жинглиди. Уй эгаси уйқу-сираб, гўшакни кўтарди:

— Опа, бу мен, кўшини-гиз Бахтиёрман, Дубайдан телефон қилаётганим. Илтимос, онамни чақириб берсан-гиз.

— Онангиз... хонадон соҳибаси бир фурсат жимиб қолди. Онангиз... Уч йилдан буён сизни кута-кута узиди бечора. Куни кеча сўнги манзилга кузатиб қўйдик. Қа-ерларда юргандингиз ўзи?

— Тун ярмидан оққанида Учқўрғон шаҳридаги хонадонларнинг бирида телефон жинглиди. Уй эгаси уйқу-сираб, гўшакни кўтарди:

— Опа, бу мен, кўшини-гиз Бахтиёрман, Дубайдан телефон қилаётганим. Илтимос, онамни чақириб берсан-гиз.

— Онангиз... хонадон соҳибаси бир фурсат жимиб қолди. Онангиз... Уч йилдан буён сизни кута-кута узиди бечора. Куни кеча сўнги манзилга кузатиб қўйдик. Қа-ерларда юргандингиз ўзи?

дориға зор этди. Энди у бир умр армонда ўтмайди, дей-сизми?

Алашиб, алданиб турли диний оқимлар таъсирига ту-шиб қолиб, чет элларда уло-

Бағрикенглик

қиб юрган ёшлар ҳам борли-ги сир эмас. Ўзбек халқига хос бағрикенглик, кеҳирим-лик қабил фазилатлардан келиб чиқиб, Юртбошимиз қўли қонга ботмаган, террор-чи гуруҳлар тарқибига алашиб қириб қолган Ўзбекистон фу-қароларини авф этдилар.

Хўш, Президентимиз юри-таётган ана шу сиёсат жойлар-да қай тарзда ўз ифодасини топмоқда? Ушбу саволга На-

манган вилояти мисолида жа-воб топишга ҳаракат қилдик. — 2000 йил 6 сентябрь кунин республика Президентининг «Террорчи гуруҳлар тарқибига алашиб қириб қол-ган Ўзбекистон фуқароларини озод этиш тўғрисида»ги Фар-мони эълон қилинган эди, — дейди вилоят прокурори, ал-ли катта маслаҳатчиси Га-фуржон Барноев. — Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳия-тининг кенг оммага тушунти-риш, тартиб этиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қи-лиш органлари билан ҳам-корликда бир қатор ишлар-ни амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқлар, маҳалаларда учрашувлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Телевидение, радио, матбуот орқали кўплаб

чиқинилар қилинди. Қилми-шдан пушаймон бўлиб, ке-чирим сўраб келганларнинг 23 нафарига нисбатан Фар-мон қўлланиб, улар авф этил-дилар. Президентимизнинг бу гамхўрликларини тўғри тушу-ниб, ўзига керакли хулоса чи-қариб олган фуқаролар ноғў-ри йўлга кириб қолганлик-ларидан пушаймон бўлсалар, улар, албатта, кеҳирилмоқда. Бироқ мавжуд конституция-вий тузумга қарши чиққан-лар, ноқонуний фаолият юри-таётган диний оқимларга қў-шилган кимсалар, дунё-нинг қайси ҳудудига бўлма-син, лоимо қонун таъбиби о-стида бўладилар. Уларнинг жи-ноий қилмишлари ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

(Давоми 2-бетда).



# Сенинг имкониятларинг бу, Ўзбекистон!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил январага бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ўртага қўйилган вазибаларни ҳал этишда ҳаракат қилувчи асосий бўғин ҳисобла-нишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, барчамизнинг молиявий аҳволимиз унинг самарали иши ва пировард натижаларига боғлиқдир. Шу боис қишлоқда фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юртиш-нинг энг замонавий усулларига ўргатиш масалалари-ни ҳал этиш билан жиддий равишда шуғуллани-шимиз лозим. Бунда, айниқса, хорижнинг илғор технологияларини жорий этиш ва амалиёт билан боғлиқ лойиҳаларни чет эллик тажрибали мутахас-сислар иштирокида муваффақиятли рўёбга чиқариш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

2001 йил ёзида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирли-ги ва "Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг" компаниясига "Кейс-Нью Холланд" корпорацияси билан биргалик-

да итисослаштирилган модель хўжалик ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш вазифаси топширилган эди. Бунинг учун Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги "Ўзбеки-стон беш йиллиги" ширкат хўжалигида жойлашган "БМКБ-Агро-маш" очик акциядорлик жамияти тан-ланди. Лойиҳада мамлакатимизда янги қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этиш бўйича амалий тажриба орттириш кўзда тутилганди. Қиш-лоқ хўжалиги жорий этиш лозим бўлган, деҳқончи-лик маданиятини оширишга, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган барча янгиликларни қўллаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Лойиҳани бажаришга 2001 йилнинг июнидан киришилган бўлса, июль ойида экин экиладиган ерларни лазер ускуналари ёрдамида текислаш бошлаб юборилди. Уша йилнинг охирида модель хўжалиқда қишлоқ хўжалиги экинларини бошқариш тизими ишга туширилди.

# ЭРТАНГИ КҮН ХЎЖАЛИГИ

## Далани лазер текислайди

Кўз олдингизга келтиринг: ниҳоятда текис, уфқ томон қўзилиб кет-ган сон-саноксиз жўяқлар, худди та-раб қўйилгандек, тўғри саф тортган ва қийос ўсаётган кузги буғдой май-салари. Бутун дала кафтадигидек яққол кўринади. Агар самолётдан назар ташласангиз, бамисоли ран-гли қаламда чизиб қўйилган тўғри тўрт бурчакли тўқ яшил майдон кўзга ташланади. Бу ер — капитал текис-лаш ўтказилганидан кейинги экин-зор. Мана шу далада меҳнат қилаёт-ган деҳқонлар жорий йилда ҳосил салмоқли бўлишига умид боғламоқ-далар. Уларнинг ҳисоб-китоби асос-ланган: электроника ёрдамида са-ришта қилиниб, 2001 йил ноябрь ойида буғдойнинг "Ғайрат", "Санг-зор" ва "Половчанка" навлари экил-ган бу даладан гектар ҳисобига ўрта-ча 52 центнердан дон йиғиштириб олинганга ҳақиқат.

Хорижий илғор усуллар ва жаҳон-даги етакчи ишлаб чиқарувчилар-нинг энг замонавий, юксак унумли техникасидан фойдаланган ҳолда ишлов берилган мана шу экспери-ментал буғдойзорлар жорий йилда 77 гектардан ошди. Бу — модель хўжалик барча экинзорларининг уч-дан бир қисмини ташкил этади. Унда экспериментал фермерлик техноло-гиялари асосида маккажўхори, беда ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинла-ри ўстирилмоқда. Асосий экин — ғўзага эса 80 гектардан сал кўпроқ майдон ажратилган. Шундан 40,5 гектарига махсус агрегатлар ёрдами-да дастлабки ишлов берилмаган ҳол-да келаси ёзда такрорий экин си-фатида мош экилади.

— Биласизми, асосий деҳқончи-лик агротехникаси жараёнини ўтказишдан аввал жуда жиддий тайё-рлик ишлари кўрилади, — деди биз билан суҳбатда ушбу ноодатий хўжалик директори — австралиялик фермер Терри Тотни. — Тиклаш иш-ларига киришилган экан, лойиҳа та-шкilotчилари хўжалик худудини тўлиқ топографик суратга олишни амалга оширдилар, далаларнинг жойлашуви ва конфигурациясини аниқлаб олдилар. Экинзорларнинг контурлари улар катта ва кенг қам-ровли техникадан фойдаланишга қулай бўлиши учун ўзгартирилди. Сув далаларга текис оқиб келиши-ни таъминлаш мақсадида ирригация шохобчаларининг жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Хўжалиқнинг барча экин майдонларига бемалол бориш учун йўллар очилди. Далалар лазер техникаси ёрдамида текисланди, на-тижада самаралироқ сугорини им-конияти тугилди. Ҳар бир майдонда зовурлар қазилди. Сифон қувурлар-дан фойдаланиш сувнинг бир мар-ромда тақсимланишини таъминлади, бу ўз навбатида пайкаларда мувақ-қат ариқлар бўлишига зарурат қол-дирмади.

Олинган суратлардаги маълумот-лар асосида, шунингдек, 16 та дала-нинг аниқ компьютер схема-харита-си тузиб чиқилди, шунга мувофиқ, текислаш пайтида уларга узун ва тўғри тўртбурчак шакли берилди. Кенг қамровли техникани ишлатиш учун айнан мана шундай конфигу-рация зарур. Хўжалиқнинг умумий режаси тузиб чиқилганидан сўнг электрон ускуналар ёрдамида экин майдонлари лазерда текисланди.

Агар лўнда қилиб айтадиган бўлсак, лазерда текислаш гоёси аниқ ҳисоблашни ва ундан кейин жамик қинғир-қийишқ жойларни тўғрилашни ўз ичига олади, яъни тепалиқлар "кесиб" ташланади, ун-дан чиққан тупроқ билан эса паст-ликлар тўлдирилади. Бу ишларнинг барчаси компьютер харитасига му-вофиқ ўтказилади. Бунда махсус те-хника Reynolds компаниясининг ла-

зерли қабул қилувчиси бўлган скрейпери ва Горсон фирмасининг транзиттеридан фойдаланилади. Зеро, бунда барча ишлар автоматик тарзда бажарилади. Ҳозирча хўжа-лик далаларини текислаш жараёни тўлиқ тугаллагани йўқ; яна бешта далани саришталаш лозим. Бундан ташқари, ҳар бир далами узунаси ва энига қия қилиб текислаш талаб этилади. Қияликнинг энг мақбул даражаси топографик суратлар на-тижасида олинган маълумотлар ком-пютерида ишлаб чиқилганидан кей-ин аниқланади.

Лойиҳанинг тажрибали ходимла-ридан бири — Рустам Толипов хо-рижнинг мураккаб техникасини пух-та ўзлаштириб олган. У Австрали-да уч ойлик курсда тайёргарликдан ўтган. Бу ерда топографик суратлар олиш ва компьютерда зарур ҳисоб-лашларни амалга ошириш билан шу-ғулланмоқда. Рустамнинг фаол иш-тирокида лойиҳани бажаришга ки-ришилганидан буён 134 гектар май-донда текислаш ишлари ўтказилди.



Жорий йилнинг охирига қадар лойиҳа қатнашчилари қолган май-донларни ҳам текислаб бўлишни мўлжаллашмоқда.

— Лазер ёрдамида текислашдан кейин тупроқ икки томонлама чу-қур қилиб юмшатилади, — дейди модель хўжалик директорининг ўринбосари Холмурод Сотволдиев. — Бу операция текислаш ишлари ўтқа-зилганидан кейин ҳосил булган уст-ки зич қатламни парчалаш учун ўтказилади. Сўнгра дала у ёки бу экинни экишга тайёр бўлди, дейиш мумкин. Лазерда текислаш, шунинг-дек, йўллар қурилиши ва дала бо-шида асосий сугорини шохобчаси учун майдон очишда ҳам қўллани-лади. Лойиҳа ходимлари келажакда хорижнинг энг яхши технологияла-ри асосида сувни томчилатиб суго-риш тизимини жорий этишни ҳам кўзлаб туришибди.

## Халқаро андозаларга мос сугорини

Бизнинг иқлим шароитимизда сув деҳқон учун олтин билан баробар. Шу боис ундан оқилона фойдала-ниш рентабелликка эришишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобла-нади. Модель хўжалиқнинг далала-рида бўлсангиз, бу ерда сугорини ти-зимни нақадар пишиқ-пухта ўйлан-гани ва ишланганига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Лазер ёрдамида текислаш орқали сугорини энг мақбул тарзда олиб бориш ва сувнинг бутун дала бўйлаб бир текис таралиши таъмин-ланмоқда. Агар сув бир маромда оқизилса, майсалар беҳато, текис унинг чиққали, ўсимлик барваж ўса-ди. Хўжалиқда бизнинг деҳқончи-лигимиз учун тажриба-синов сифа-

тида сифон технологияси жорий этилган бўлиб, ундан самарали фой-даланилапти. Жўяқларга сув тараш куннинг айнан бир вақтида бошла-ниб тугалланади. Шу тариқа сувдан, ишчи кучидан фойдаланишда самарали ютуққа эришилмоқда. Масалан, сув одатий сугорини меъёрига нис-батан деярли 40 фоиз тежаб қоли-напти.

Яна битта муҳим далил. Паст-бал-анд далаларда сугорини тадбирлари 15 кунгача давом этса, модель хўжа-ликда эса бу ишга уч баробар кам вақт сарфланади. Ҳа, айтганча, са-марали сугорини иншоотларини бо-сқичма-босқич қуриш ва тиклаш хўжалиқни ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурининг муҳим таркибий қисмидир. Шунинг-дек, сугорини тармоқларини тартиб-олиш ва компьютерда зарур ҳисоб-лашларни амалга ошириш билан шу-ғулланмоқда. Рустамнинг фаол иш-тирокида лойиҳани бажаришга ки-ришилганидан буён 134 гектар май-донда текислаш ишлари ўтказилди.



Модель хўжалиқнинг оддий иш-кунлари, бу истиқболли халқаро лой-иҳани бевосита амалга ошираётган иштирокчиларнинг ўзлари (улар ора-сида аъло даражадаги мутахассислар, ўз ишининг усталари оз эмас) бил-дан танишгач, бу ерда нафақат су-горини технологиясини, балки бошқа барча ишлар ҳам ҳозирги кунда Ва-танимиз ва чет элларда тўпланган тажрибалардан фойдаланган ҳолда, илмий асосда олиб борилаётганига чуқур ишонч ҳосил қилдик. Мамла-катимиз тарихида биринчи мартаба қишлоқ хўжалиги ишлари кўпгина турларининг дастурлари юксак те-хнологиялар, шунингдек, ўзбек ва хо-рижнинг илғор усуллари омухта қўлланилган ҳолда ишлаб чиқишмоқ-да ва амалга оширилмоқда.

Айнан мана шундай усулда, яъни энг янги электрон техника ёрдами-да далаларни лазер ёрдамида текис-лаш, бошқоқ экинлар ҳосили йи-ғиштириб олинганидан кейин дала-ларни яна экин экишга тайёрлаш

пайтида ағдарма плуглар билан анъ-анавий шудгорлаш ўрнини босади-ган тупроқни чуқур юмшатиш, мо-лалаш, пушта олишнинг ўзига хос усуллари муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Бунда албатта лойиҳа қатнашчилари сугорининг аниқ тартиби ва сув сарфини ўлчаш усулларини олдиндан белгилаб ол-ганлари қўл келаяпти.


Таъкидлаб ўтиш жоизки, модель хўжалик Табиат ресурсларини бош-қаришни такомиллаштириш лойиҳа-си — USAID (АҚШ)нинг учирма дастурига киритилган. Мазкур даст-тур мутахассислари билан биргалик-да ҳозирга пайтда қишлоқ хўжалиги экинларини сувни тежаган ҳолда су-горининг энг мақбул вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Бироқ, энг муҳими шундаки, лойиҳа мутахассислари салкам икки йил мобайнида жуда кўплаб фермер-лар, агросаноат мутахассислари, де-ҳқончилик билан шуғулланувчи олим-лар ва қишлоқ хўжалиги техникаси-ни ишлаб чиқарувчиларнинг ман-фаатларига мос ҳолда уни амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Экин майдонларининг принципал жиҳат-дан ўзгартирилиши, карталарнинг те-кисланиши, паст-баланд тўғрилан-иши, ўғитлаш микродорининг қисқ-ариши ва ер малҳамининг узоқ сақ-ланиши нафақат сув ресурсларининг тежаланиши, қишлоқ хўжалиги экин-лари ҳосилдорлигининг ошиши, бал-ки ўзимизнинг ва чет эл техникаси-дан юксак унум билан самарали фойдаланишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

## Техника ишда синалади

Қишлоқ хўжалиги техникасининг қанчалик пишиқ-пухталиги, биласиз, даллада синовдан ўтади. Амалгетчи воситаси ҳақидаги фикрлари энг тўғри баҳо бўлади. Биз модель хўжалиққа ташириб буюрган кунни Тожикистон-дан меҳмонлар келишган экан. Улар агросаноатнинг тажрибали мутахас-сислари ва фермер хўжалиқларининг раҳбарлари — Халқаро молия кор-порациясини лойиҳасининг иштирок-чилари эди. Мазкур лойиҳа Техник кўмаклашув дастури доирасида амал-га оширилмоқда, у "фермер хўжа-лиги модели" деб аталади. Делега-цияга лойиҳада банд бўлган австра-лиялик деҳқон-фермер Жон О.Брайн ҳамроҳлик қилаётганди. Меҳмонлар тажриба-синов далаларида ишлати-лаётган юқори унумли қишлоқ хўжа-лиги агрегатлари билан қизиқиб та-нишилдилар. Сабаби — бу ерда қиш-лоқ хўжалиги экинларини ўстириш ва улардан қутулган ҳосилини олиш-да янги технологиялар ва механизма-ция воситалари қандай қўлланилаёт-гани юзасидан амалий семинарлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Хўжалиқда йиғиштириб олинган буғдой ҳосили ўрнига ерга дастлаб-ки ишлов бермасдан (шудгор қил-масдан) такрорий экин экишининг илғор технологиялари билан ҳам та-нишиш имконияти бор. Айнан мана шундай тажрибани АҚШ, Австра-лия, Аргентина ва Бразилиядаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар қўллашмоқда. Улар такрорий экин экиётганда ерга даст-лабки ишлов бермайдилар. Мазкур лойиҳа мутахассислари ҳам плуглар-дан воз кечишининг ўзига хос усул-ларини топдилар, яъни плуглар ўрнига "Case-780" русумидаги оф-сет дискли боронани ишлатишга ўтдилар. Бу агрегат ерга 35 см чу-қурликкача ишлов беради ҳамда ўзи-нинг фестон дисклари билан ер юза-сидаги ўсимлик қолдиқларини май-далаб ташлайди. Улар ишлов берил-гандан кейин тупроққа аралашиб кетади-да, органик моддалар ҳосил бўлиши ва бойишга ёрдам беради. Деҳқонларнинг фикрига кўра, пушта олувчи мослама ҳам жуда самаралидир. Қатор ораларида бир қанча вазифани бажарадиган бу агрегат бирёйла талайгина ишни қилади. У эси ёки балайд пуштали қаторлар-га эга бўлган жўяқлар очини, парва-риш пайтида сув яхшироқ сингитиш учун қатор ораларини чуқур қилиб юмшатишга қодир. Ушбу агрегатда 8 қаторли эгатель ораси кенлиги бир текис бўлишини таъминлаш учун маркерлар ва улчагич гилди-раклар ҳам бор.



Хўжалиқнинг кенг ишлаб чиқариш устахонасида ташаббускор, бўлажак ҳосил ҳақида қайғурадиган деҳқон ўз кўзи билан кўриши, ўзига маъқу-лини ажратиб олиши ва фойдала-ниши мумкин бўлган воситаларни оз эмас. Жаҳоннинг етакчи ишлаб чи-қарувчиларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаси ва шу ерлик мутахассисларнинг моҳир қўллари билан такомиллаштирилган бир қатор экспериментал агрегатлар ва мосламалар шунчаки намойиш этиладиган кўрғазма намуналариги-на эмас. Далаларда ўзининг самара-дорлигини исботлаган техника воситаларидан анча-мунчасини ҳам уч-ратиш мумкин. Хусусан, ғўза парва-ришида қўлланиладиган машиналар-нинг 8 қаторли комплекси ва такро-рий экин экишда ерга дастлабки ишлов бермасдан фойдаланиладиган "Case" сепкаси кўрғазмада ҳозир бўлганларнинг диққат-этиборини жалб этади. Кўпчилик ерни чуқур қилиб юмшатадиган "Case-6814" а-грегатига ниҳоятда қизиқиб қолди. Бу агрегат ағдарма плуглар ишлатилга-нидан кейин ерда ҳосил бўладиган зич қатламни чуқур қилиб юмша-тишга мўлжалланган. Бундай опера-циялар одатда ҳар 2-3 йилда бир марта ўтказилади. Мутахассислар-нинг ҳисоб-китобига қараганда, рес-публикамизда шу турдаги техникага эҳтиёж жуда катта. Агар юмшатгич мослама кучли "Case", ("Maqnum-8940" "MX-2200" 240) русумли трак-торларга тиркалса, у деҳқонларга ҳар йили бир хил чуқурликда шудгор-лаш натижасида ҳосил бўладиган ер-нинг устки қатламида зич "қават" дан қутулишларига ёрдам беради. Кўпгина хўжалиқларда бўлгани син-гари, модель хўжалиқда ҳам, бундай зич қатлам 40 см чуқурликда бўла-ди. "Case-6814" тупроқни 65 см чу-қурликкача юмшатишга қодир, би-нобарин, бунда қамров кенлиги 4,5 метргача етиши мумкин.

Хўжалиқда йиғиштириб олинган буғдой ҳосили ўрнига ерга дастлаб-ки ишлов бермасдан (шудгор қил-масдан) такрорий экин экишининг илғор технологиялари билан ҳам та-нишиш имконияти бор. Айнан мана шундай тажрибани АҚШ, Австра-лия, Аргентина ва Бразилиядаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар қўллашмоқда. Улар такрорий экин экиётганда ерга даст-лабки ишлов бермайдилар. Мазкур лойиҳа мутахассислари ҳам плуглар-дан воз кечишининг ўзига хос усул-ларини топдилар, яъни плуглар ўрнига "Case-780" русумидаги оф-сет дискли боронани ишлатишга ўтдилар. Бу агрегат ерга 35 см чу-қурликкача ишлов беради ҳамда ўзи-нинг фестон дисклари билан ер юза-сидаги ўсимлик қолдиқларини май-далаб ташлайди. Улар ишлов берил-гандан кейин тупроққа аралашиб кетади-да, органик моддалар ҳосил бўлиши ва бойишга ёрдам беради. Деҳқонларнинг фикрига кўра, пушта олувчи мослама ҳам жуда самаралидир. Қатор ораларида бир қанча вазифани бажарадиган бу агрегат бирёйла талайгина ишни қилади. У эси ёки балайд пуштали қаторлар-га эга бўлган жўяқлар очини, парва-риш пайтида сув яхшироқ сингитиш учун қатор ораларини чуқур қилиб юмшатишга қодир. Ушбу агрегатда 8 қаторли эгатель ораси кенлиги бир текис бўлишини таъминлаш учун маркерлар ва улчагич гилди-раклар ҳам бор.

Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, экишда қўлланиладиган агрегатларнинг охириги модели "Case-1200 ASM" сепкаси. Мазкур мо-дель чигит, маккажўхори, дуккакли экинлар ва нўхат, қанд лавлага, сор-го ва турли хил сабзавот уруғларини эка олади. У вакуум тизими асосида ишлайди, уруғни ҳар гектарга мўлжалланган ҳисоб бўйича аниқ тақсимлайди. Агрегатда, шунингдек, уруғлик тушган чуқурликни, уруғ-лик устидан тупроқ тортиб кетади-ган гилдирак юқини аниқловчи мос-лама ҳам бор. Бундан ташқари, се-ялқига чиқиндилардан тозалаш, экин экилаётган зонани тўғрилаш ёки ав-валги ҳосил йиғиштириб олинган ердаги экин қолдиқлари устига туп-роққа дастлабки ишлов бермасдан такрорий экин экиш пайтида қуруқ қатламни кесиб кетиш учун бошқа бир нечта мослама ҳам ўрнатиш мумкин. Сепка монитор ва сигнал мосламаси билан жиҳозланган, улар қувурларнинг текилиб қолиши ол-дини олади ҳамда далалаги ўсимлик-лар қалинлигини аниқлаб беради. Мазкур сепка ёрдамида кўшимча равишда ерга бирёйла донатор ин-сектицидлар ва гербицидларни ҳам солиб кетса бўлади.

Тожикистонлик фермерлар "Case-5300" ва "Case-5400" сепкалари бил-дан астойдил қизиқиб танишилдилар. Биринчиси — дала экинларини экиш билан бир вақтда ўғит солишга мўлжалланган агрегат эди. Мазкур сепка беда ва бошқа озуқа экинла-рини озиқлантириш учун кичкина ўғит яшиги билан ҳам жиҳозланган. Иккинчиси — буғдой, арпа, нўхат, кунгабоқар ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экув-чи осма агрегат. Жўяк оладиган ром экиш билан бир вақтининг ўзида пушта чиқариш учун ясалган. Сепка "New Holland TL-100", "Case-MX 135", "TT3-100", "TT3-80" трактор-ларига тиркалади.

Барча экинлар қатор ораларида ишлов бериш учун, мутахассислар-нинг фикрига кўра, "Case-2240" ни-ҳоятда мос келади. Ундан культиватор ёки пушта олувчи агрегат сифа-тида ҳам фойдаланиш мумкин. Аг-регатда ҳатто экинни яқинроқдан культивация қилиш учун махсус мо-слама тиркашга имконият борки, бу барчага маъқул бўлади.

Ишлаб чиқариш устахонасини кўздан кечирган киши, табиийки, мазкур хўжалик ғўза, бошқоқ дон ва бошқа экинларни парвариш қилиш учун илғор технологиялар ва юксак самарали техника воситала-рининг конструкциялари, мамлака-тимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштирувчилари ва хорижнинг етакчи фирмалари тажрибаларини қўлланган ҳолда янги сугорини ти-зимлари ишлаб чиқилган сивов полигоми бўлиб қолганга тўлиқ ишонч ҳосил қилади.

Бу ерда "СНН" ва "БМКБ-Агро-маш" очик турдаги акциядорлик жа-миятининг юксак унумли техника-сини амалда кўрсатиш ва Ўзбеки-стон шароитида уларнинг яроқлиги-ни синаш ҳам кўзда тутилган.

Жамият бошқаруви раиси А.Ма-ликонининг айтишича, модель хўжа-ликнинг истиқболга мўлжалланган режаси жуда жиддий. Хўжалик му-тахассислари куз келгунга қадар ер-ларни лазер ёрдамида текислаш ва хўжалиқни ривожлантириш дастури-ни ниҳоятда етказишга бел боғла-ганлар. Тупроқ таркибининг яхшилаш ва ҳосилдорлиқни оширишни мони-торинг қилиш жараёни давом этти-рилади. Иш бошланганидан буён ўтган икки йил ичида лойиҳа қат-нашчилари пахта ҳосилдорлигини гектарига 45 центнерга, буғдойни 60-70, маккажўхорини 100, мошни 10 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

Хўжалик базасида семинарлар ўтказиш учун марказ мутахассислар-ни ўқитиш курслари ва иктисодий-нинг аграр секторига янги гоьларни тарқатиш марказини ташкил этиш ҳам режалантирилмоқда. Бу ерда дала ишлари пайтида ҳар ойда ўқув семинарлари ўтказилади. Шунинг-дек, лойиҳанинг маҳаллий ходимла-рини етакчи аграр мамлакатларга стажировкага юбориш ҳам мўлжал-ланмоқда.

Биз модель хўжалиқини унинг куз-ги дон экилган текис далаларида барваж ўсаётган майсалар узра кўклам оқшоми чўкаётган бир пай-тда тарқ этдик. Бу ерда меҳнат қила-ётган мутахассисларнинг муаммо ва қийинчиликлари ҳам ҳозирча етар-ли, албатта. Бироқ хўжалиқдан умид-лари жуда катта. Бизнинг фикри-мизча, бу хўжалик шундай ташки-лотнинг тисмолидирки, у Ўзбеки-стонда деҳқончилик билан илмий-аг-ротехника асосларида, энг янги те-хнологиялар ва замонавий техника-дан фойдаланган ҳолда шуғулланиш, қишлоқ хўжалиқ экинларидан юқори ва барқарор ҳосил, улардан эса халқаро андозаларга мос кела-диган маҳсулот олишга имкон бера-ди. Бундай хўжалиқлар катта истиқ-болга эгадир.

Саҳифа материалларини В.НИКОЛАЕВ ва Р.СОБИРОВ тайёрлашди.

Гафур Гулом таваллудининг 100 йиллиги олдида

# ҲАЖВ УСТАСИ

Гафур Гулом воқеликлаги турли ҳодисаларга ўткир эҳти, чуқур ҳис-ҳидроқ билан ёндошар, уларнинг ҳар бирига ҳаққоний баҳо беришга уринади. Бу фаёлат уни ўз асарлари тасодифий учраган, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган, майда-чуйда нарса ва ҳодисаларни асос қилиб олишдан холи қилган. Бу ҳақда унинг ўз фикри ҳақиқатларидир: "Ҳаётда рўй берган ҳар бир икки-чирок воқеани катта жамоатимиз доираларида умумлаштиришнинг керак. Бирор ёмон ҳодисани умумлашқ ҳаётнинг нуқсаси деб билмаслик зарур".

У ўз ҳажвларида ҳушомалғуларни, жиноятчиларни фаш этиди, халқнинг мол-мулкига қўз олайтирган галамисларни ҳажв ўтига олади, раҳбар ўринларга жойлашиб олган кўнгли қора, қобилиятсиз, ношуд шахсларни, дангас, ишбўқмас кишиларни газилайди. Айниқса халқни алдаб, кун қурган риёкорларга ҳаққини сочади. Маълумки, ҳажва асосий масала — кулдан фойдаланиш санъати. Шунга қараб ҳажвий асарнинг сифати баҳоланади. Шоир ҳажвиётида биз турли-туман кулдини учратамиз. Улардан санъаткор ўз ижодида моҳирлик билан фойдаланади. "Менинг ўригинга болам" ҳикоясида ёзувчи кампир ва ўри устидан майин кулган бўлса, "Турт хангома"да пулларни элбас сақлашнинг билмасдан, улардан ажраб қолган Мамарайим, Қобуллар, Абдуллоҳжонлар устидан енгил қулади. "Ингит" ҳикоясида эса қуруқ ошдиға, шилқим Бокжонга нисбатан муаллифнинг жиддий кулгисига дуч келади. "Тирилган мур-

вирланади: "Шамсиддин эшон ҳалдан зиёд ғайратта минган, долдай қадли лоддай тўғри бўлаётган". Букчайган қалбини алифга ўхшатиш учун зўр бериши кинояга учратилса, чимилдикдаги ҳодиса кулдини портлатиб юборади: "Эшон саллани олиб ёстиққа қўйди. Қалтираган қўллари келининг чимат ўрнида тутиб келган доқа



1948 йил. Гафур Гулом ўқувчилар даврасида. Равил АЛИБЕКОВ олган сурат.

рўмолига ёпишиди". Муаллиф қўлгамаган буриллилар, тусатдан ечимга ўтиш ҳолатига катта аҳамият беради. Чимилдик картинасидаги бутун вазиёт, диалог, хатти-ҳаракатлар кули билан сугорилган. Келин "ш" ҳарфини айта олмади, "шоман" дейиш ўрнига ҳуштак чалиб қувё билан сўхбат қуриши, айниқ-

са, доқа юздан тортиб олинган "Роқия қиз ўрнида йиланмаган жиқ тери, саксонлардан ошиб, оғзида битта ҳам тиши қолмаган кампир, бир вақт эшон дам солган чиллашар Сарвар амма" бўлиб чиқши қаттиқ кулгига сабаб бўлади. Бундан ташқари эшон Сарвар аммани сўфи хотин қилиб қўйиши, эшонни бошлаб шармандаю-шармисор қилган Дадақўзи орқаворотдан "оқ" қилиниши кулгини янада ривожлантиради.

Гафур Гулом воқеликлаги салбий ҳодисаларни ва салбий тилларни комик аспектда таҳлил қилишда, уларга кулгини синдириб юборишда турли ифода воситаларида, ўхшатишлар, киноя, кесатидан моҳирона фойдаланиб, кулгининг моҳиятини чуқур оча билган. Масалан, "Арвоҳлар"да сайловга суқилиб кириб олимоқ бўлган Абду Ҳаким Ғиёсовнинг маърузасига бўлган муносабатини олиб кўрайлик. "Маърузачи, кун изгириги бўлишига қарамай, ҳаммомдан чиққандай бўғриқиб, терлаб-пишиб доқлад қилиб ётир. Оғиздан чиққан ҳовур соқол, мўйлабларига ёпишиб, бурунларини лайлак қўнган минорадай оққатирган". Бу ўхшатиш орқали салбий тилнинг кимлиги яққол ифодаланади.

Гафур Гуломнинг ҳажвий асарлари қалбларга мурувват ёғдусини олиб кириб, роҳат баҳишида этишга, таранглашган асабларни мулоҳимага шубҳасизга хизмат қилиши, шубҳасизга У кулдириш орқали ижобийликни, ахшиликни, ғўзалликни, халққа ва ҳаётга муҳаббатни ўйотади.

Гафур Гулом миллионлаб ўқувчиларни кулдириб, уларнинг умрига умр қўлди. Чунки унинг кулгисини ўзи айтганидай "... жонларини эрқолончи, зеҳнларига истироҳат берувчи, вукулларини яйратувчи ... самимий овоз" қулгидир. Ушбу кулги поклик, ҳалолик, адолат учун қурашга чорлагани учун ҳам абадийдир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, профессор.



Эл соғлиги - юрт бойлиги

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони тиббиёт соҳасида мамлакатда бошланган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, уни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

# ИСЛОХОТ НЕЪМАТЛАРИ

Сўнги йилларда Хоразм вилоятида ҳам элга тиббий хизмат кўрсатишни замон талаблари даражасида тақомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, вилоят маркази Урганч шаҳрида охириги икки-уч йил мобайнида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, уларни янада кенгайтириш борасида қилинган ишлар диққатга сазовордир. Ҳашар йўли билан бутунлай янгича қиёфа касб этган болалар шифохонасида 200 миллион сўмлик энг янги тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Бу даргоҳда етук малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Аҳоли вилоят тез тиббий ёрдам маркази хизматидан ҳам ниҳоятда маннун. Бу ерда шошилинч тиббий ёрдам намунали ташкил этилган.

Утган йили вилоятнинг 1-клиник шифохонасини таъмирлаш, қайта қуриш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Шифохонани таъмирлашга 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бунда маҳаллий бюджетдан 500 миллион сўм ажратилган бўлса, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар 1 миллиард сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. Таъмирлашда жами 347 та ташкилот ва корхона ширтирок этди. Вилоят ҳокимлиги кўмағида клиникага хориждан келтирилган 115 миллион сўмлик тиббий ускуналар ўрнатилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам 60 миллион сўмлик асбоб-ускуна ажратди. Шифохонанинг барча бўлимлари янги мебеллар билан жиҳозланди.

Бу ерда нафақат шифохона ва унинг ҳудуди, балки шифохона атрофидаги аҳолининг уй-жойлари ҳам таъмирланди. Кўчалар асфальтланди. Янгидан сув қувурлари ётқизилди, электр тармоқлари тортилди. Кўчаларга 600

туплан ортиқ арча дараклари ўтқазилди. Бир сўз билан айтганда, 1-клиника атрофи ўзинга хос шаҳарча тусини олди.

Вилоят клиник шифохонасида ҳозир 38 та бўлим мавжуд. Махсус жарроҳлик бўлимида 10 та жарроҳлик хонаси ташкил этилган



булиб, уларда замонавий лазер хирургияси, плазма скальпели, лапароскопик апарат ва марказлашган вакуум кислород тизими ўрнатилган. Ушбу шифо масканиди ҳар йили 20 миңдан ортиқ бемор даволаниб, соғлигини тиклайди. Аваллари бу ерда 8 нафар фан номзоиди ишлаган бўлса, ҳозирда 3 нафар фан доктори, 26 нафар фан номзоиди, 47 нафар олий тоифали шифокор, 1 нафар Россия лазер академияси академиги меҳнат қилаяпти.

Шифохона беморларни даволаш билан бирга 1-ТОШМИнинг Урганч филиали талабалари учун асосий амалиёт базаси бўлиб хизмат қилиб келаётди. Шунингдек, тиббиёт коллежи ва ҳамширалар малакасини ошириш билим юрти талабалари ҳам амалиёт дарсларини ушбу шифохонада ўтказмоқдалар.

Шуниси эътиборлики, бу даволаш масканининг ҳар бир бўлим мудири туман шифохоналарига бириктириб қўйил-

ва томограф ускуналарини сотиб олиш ҳисобига даволаш ишларини кенгайтириш режалаштириляпти. Украина ва Россия шифокорлари билан ҳамкорликда илмий-амалий ишларни амалга ошириш, энг охириги тиббиёт янгиликларини амалиётга тадбиқ этиш ҳам кўзда тутилган.

Мақсадимиз халққа энг юқори савияда тиббий хизмат кўрсатишдир, — дейди вилоят клиник шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоиди Баҳодир Ҳусанов.

Ортимизда «Халқ соғлиги - юрт бойлиги» деган ҳикмати сўз бор. Хоразм шифокорлари ушбу ҳикматни яхши англаб ўз фаолият дастурларига айлантирмоқдалар. Тизимдаги ислохотни янада чуқурлаштириш йўлидан бориб, элни доимо саломат қириш орузи билан яшамоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Китоблар оламида

## Суд ҳужжатлари тўғрисида?

дайд суд ҳужжати муайян бир ҳолатни у ёки бу тарзда муҳасам этишини эътиборга олган ҳолда уларни тузишда дастлаб ҳар бир ҳужжатнинг ўзини хос хусусияти ва ёзилли тартибига қатъий риоя қилиниши лозим.

Суд ҳужжатларини тайёрлашда унинг тили ва услубига, энг аввало, давлат тили қонуни-қондаларига қатъий риоя этилиши керак. Ҳужжат матни аниқлик, ихчамлик, лўндалик ва мазмунан тўлиқлик каби талаблар асосида юритилиши даркор.

Ҳужжалик судлари фаолиятида қўлланиладиган процессуал ҳужжатларнинг тузилиши борасида маълум даражада суд амалиёти йўлга қўйилган

бўлса-да, уларни янада шакллантириш ва суд ҳужжатлари сифатини яхшилаш бунгунки куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Китобла баён этилган суд ҳужжатларининг намуналари, Ўзбекистон Республикаси процессуал кодексининг талаблари ҳамда ҳужжалик судларида мавжуд бўлган суд амалиётига асосланган ҳолда яратилди. Мазкур қўлланма судьяларга айрим суд ҳужжатларини тузишда ёрдам кўрсатиш ҳамда ёш судьяларнинг бу борада тажрибалари орттиришга кўмаклашиш билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга ҳам мўлжалланган.

М.ЮСУПОВ.

## Заҳар олувчи компьютер

Илон заҳарини олиш хавфи бўлиш билан бирга ўта чаққонликни ҳам талаб қилади. Илонлар билан муомалада бўлганда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Леонадо (Индонезиядаги Сулавеси ороли) яқиндаги тиббиёт марказида илонлардан заҳар олишда автомат тизимдан фойдаланади. Оператор ЭХМ хотирасидан қайси илондан заҳар олиш пайти келганлигини аниқлайди ва ЭХМ зарур кўрсатмани беради. Эластик «қўллар» билан жиҳозланган манипулятор ўша заҳоти керакли илонни тутиб, эҳтиёткорлик билан идишга олиб боради ва илоннинг жағини сиқади. Илон идиш четини тишлаги билан ундан заҳар чиқади. Кейин манипулятор илонни яна ўз жойига қўйиб юборади.

Жонсиз таржимон

Япониянинг машҳур «Нихон Дэнки» электрон концерни янги компьютер ишлаб чиқарганини эълон қилди. У японча гапирган одамнинг сўзини шу заҳоти синхрон усулда инглизчага таржима қилади. Эки аксинча инглизчадан япончага.

Ҳужалик ишларини қуришда судлар томонидан ажрим, ҳал қилув қарори, суд бўйруғи ва қарор сингари бир қатор процессуал ҳужжатлар чиқарилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг тузилиши, мазмуни ва моҳиятига қўра, маълум бир процессуал ҳаракатларни ифода этиди. Ҳар қан-

## Freedom House — халқроқ нодавлат ташкилот бўлиб, у бутун жаҳон бўйлаб сиёсий ва иқтисодий эркинликларни илгари суриш бўйича фаолият юритади.

USAID ва АКШ давлат департаменти томонидан молиялаштириладиган Freedom House Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячиларини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳасини бажаришга киришди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Фаргона водийсининг йирик шаҳарларидан бирида жойлашадиган янги ресурс марказида ишлашга директор ва офис менежерини ишга тақлиф этиди.

Ресурс маркази директори ҳуқуқ ҳимоячилари учун маслаҳатлар (консултациялар) ташкил этади, уларга Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича вазиёт ҳақида маълумот беради, суд процесслари ўтишини кузатади, инсон ҳуқуқлари бўйича тренинглар ўтказилишида ёрдам беради.

Офис менежер Фаргона водийсидаги ресурс марказининг кундалик ишларини бошқаради. Шунингдек, унинг вазифасига қуйидагилар кириди: офисга керак бўладиган нарсаларни харид қилиш, саёҳатлар ташкил этиш, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, бюджетни ва келажакдаги харажатларни режалаштириш, Тошкентдаги бош офисга молиявий ҳисоботни топшириш.

Таржимон инглиз тилидан ўзбек ва рус тилларига ҳамда ўзбек ва рус тилларидан инглиз тилига ёзма ва оғзаки таржима қилиш учун масъулдир.

Юқорида кўрсатилган лавозимларга аризалар бериш учун резюме ва хатни электрон почтага: [bekimbetova@freedomhouse.uz](mailto:bekimbetova@freedomhouse.uz) ёки қуйидаги манзилга юбориш мумкин: 700015, Тошкент ш., Ҳамид Сулаймонов к., 36-уй, Freedom House.

Аризаларни иборишнинг сўнги муддати — 2003 йил 23 апрель.

## «INTERNET-NETWORK» ХАЛҚРО Қ Т А Ш К И Л О Т И Н И Н Г Ў З Б Е К И С Т О Н Д А Г И В А К О Л А Т Х О Н А С И

НАМАНГАН ШАҲРИДА ЯНГИ «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ РЕСУРС МАРКАЗИ» ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЎРИНЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«Оммавий ахборот воситалари ресурс маркази» (Mass Media Resource Center) лойиҳасини амалга ошириш бўйича Наманган шаҳрида қуйидаги иш ўринларига ходимлар қабул қилинади:

- ижрочи директор (Executive Director);
- компьютер дастурчиси (Computer Instructor);
- дастур мувофиқлаштирувчиси (Program Coordinator);
- компьютер мутахассиси (Computer Technician);
- кўриқчи/қабулхона ходими (Security/maintenance);
- ҳисобчи (Bookkeeper).

Танлов шартлари

- профессионал иш тажрибасига эга бўлиш;
- тегишли соҳада маълумотга эга бўлиш;
- тегишли техник ва электрон асбоб-ускуналарда, жумладан компьютерда (Microsoft Office, Microsoft Excel, Интернет, электрон почта) ишлай олиш;
- ишчанлик, интилувчанлик, муомала лаёқати;
- ўзбек ва рус тилларини билиш (инглиз тилини биладиганларга афзаллик берилади);
- интизомлилик.

Ходимлар ишга танлов асосида синов муддати билан қабул қилинади. Қизиққан шахслар 2003 йил 25 апрелгача ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари лозим:

700070, Тошкент шаҳри, Камол Жалилов кўчаси, 31-уй. Тел./факс: 152-40-44/45/46/47. E-mail: [office@internews.uz](mailto:office@internews.uz)

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗИНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-қоҳна

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЙ-ҲОЙ ЖАМҒАРМА БАНКИ

«ЎЗУЙҲОЙ ЖАМҒАРМА БАНК»

маълум қиладики, 2003 йилнинг 26 март куни соат 15.00да Тошкент шаҳар ҳокимиятининг мажлислар залида банк акциядорларининг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган барча масалалар кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Банк акциядорларига 2002 йилда тўланган 20 фоиз миқдоридаги оралик дивидендларга қўшимча яна ҳар бир акциялари номинал қийматининг 20 фоизи миқдорида дивиденд эълон қилинди.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТУРОН» АКЦИЯДОРЛИК ТИҲОРАТ БАНКИ ва ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» агентлиги

КОМПЬЮТЕР ЖИҲОЗЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2003 йил 5 май соат 17.00 гача. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилми: Тошкент ш., Буюк Илақ Йўли к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Телефонлар: 68-75-10, 68-25-91, факс: 68-75-96.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси меҳнат жамоаси Қадрлар ва ижтимоий ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Раъно Абдуқаномова падали бузруквор.

ИСЛОМЖОН ақанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УЎТБОСАРОВ, О. ҚАЙСЕРГОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқроқ ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОЛТАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Б. ЭҒАМҚУЛОВ. Навбатчи — М. НОРМУРДОВА. Мусахҳих — М. ЁҚУБОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан эиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 23.10

1 2 3 4 5 6